



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI**

*(O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahorko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

021 йил " 6 " сеп

№ 407

Yangibozor tumani

Yangibozor tumanidaги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадларини ошириш мақсадида Ширинкўнгирот кишлоғи худудидан “ОЧА-QAL'A IFTIXORI” ишлаб чиқариш кооперативига ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

“ОЧА-QAL'A IFTIXORI” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Ж.Ўтамовнинг туман ҳокими номига Yangibozor туманининг “Оча-қалъа” маҳалласидаги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадларини ошириш мақсадида ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган 2019 йил 5 ноябрдаги 48-сонли “Республикада мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича белгиланган устувор вазифалар тўғрисида”ги селектор йиғилиши баёни ҳамда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 46-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Yangibozor туманининг “Оча-қалъа” маҳалласи худудидан “ОЧА-QAL'A IFTIXORI” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Ж.Ўтамовнинг Ширинкўнгирот кишлоғининг “Оча-қалъа” маҳалласидаги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадларини ошириш мақсадида ер майдони ажратиб берилишини сўраб туман ҳокими номига ёзган аризаси асос учун қабул қилинсин.

2. “ОЧА-QAL'A IFTIXORI” ишлаб чиқариш кооперативига туман ҳокимлиги захира ер фондида турган Ширинкўнгирот кишлоғининг № 855к, 856, 857 -контурида жойлашган умумий ер майдони 10,3 гектар, шундан

ерилсин.

3. “ОСНА-QAL’A IFTIXORI” ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобида Ширинкўнгирот қишлоғининг № 855к,856,857 -контурада жойлашган умумий ер майдони 10,3 гектар, шундан суғориладиган экин ер майдони 10,3 гектардан иборат деб белгилансин ва 30 (ўттиз) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан миллий давлат ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ижара шартномаси тузиш вазифаси топширилсин.

4.Туман давлат Солиқ инспекцияси (Ў.Аширов)га ажратиб берилган ер майдонидан тўланадиган солиқ миқдорини белгилаш ва ундириб бориш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Статистика бўлими (Б.Артиқбоев)га статистик ҳисоботларни қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси топширилсин.

6. “ОСНА-QAL’A IFTIXORI” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари И.Матназаровга:

-ажратиб берилган 10,9 гектар ер майдонидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилишини ташкил этиш;

-“Бархаёт” маҳалласидаги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизлардан жами 50 нафар фуқароларни кооператив аъзолигига қабул қилиш;

-ер ижара шартномасини тузиш, тегишли ташкилотларга ҳисоботларни ўз вақтида топшириш вазифалари юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғини Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясидан ва вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметов ва туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари С.Кўшимовлар зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



U. Kurbanov

У.Курбанов